БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 9 (16092) • 11 январь 1975 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин

Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲИНДИСТОН ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Ҳиндистон республикасининг СССРдаги элчиси К. Ш. Шелванкар Совет Иттифоқидан жўнаб кетиши муносабати билан уни 10 январь куни Кремлда қабул қилиб, суҳбатлашди. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Н. В. Подгорний СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар муваффақиятли равишда ривожланаётганлигини мамнуният билан таъкидлади. (ТАСС).

МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Лекция пропагандасини ташкил этишни янада яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган партия комитетлари лекторларининг семинар-кенгаши 10 январда Тошкентда ўз ишини тамомлади. Семинар-кенгаш беш кун давом этди.

Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари Ш. О. Ҳўжаев семинар иштирокчиларига партия Марказий Комитетининг 1974 йилги декабрь Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида илгари сурилган вазифалар асосида тўққизинчи беш йилликда республика экономикасининг қандай ривожланиши тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг масъул ходимлари, олимлар лекция ўқидилар.

Семинар иштирокчилари лекция пропагандаси соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети:

«1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»;

«1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ҳамда тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» қарорлар қабул қилдилар.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт корхоналари халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш 1975 йилда давом эттирилади, ғолибларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 58 та кўчма Қизил байроғи (дипломлари билан), шу жумладан иттифоқдош республикалар учун 8 та, автоном республикалар, ўлкалар ва областлар учун 50 та кўчма Қизил байроқ топширилади.

Корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, колхозлар, совхозлар, қурилишлар, илмий тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг коллективларини мукофотлаш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Тўққизинчи беш йилликдаги шавкатли меҳнати учун» эсдалик нишони таъсис этилди. Эсдалик нишони билан тўққизинчи беш йиллик планни бажаришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, сифатни яхшилашда энг юксак кўрсаткичларга эришган ҳамда 1975 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якунлари бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлган коллективлар мукофотланади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик нишони билан мукофотланган коллективлар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади.

Бугун «1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарор эълон қилинади.

«1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ҳамда тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун қишлоқ хўжалиги ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарор эртага эълон қилинади.

1975 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ВА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Совет халқи мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан программани амалга оширишда йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1974 йилда меҳнатда янги муваффақиятларга эришдилар. Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда, мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда, совет халқининг моддий фаровонлигини яхшилашда катта қадам қўйилди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилга мўлжалланган ва КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми маъқуллаган ҳамда СССР Олий Советининг сессияси тасдиқлаган давлат плани халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи, ҳар бир меҳнат коллективи учун конкрет иш программасини белгилаб беради.

Илғор ишчилар, бригадалар, участкалар, цехлар, корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан тўққизинчи беш йиллиннинг якунловчи йили бўлган 1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар ва муқобил планлар қабул қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳаракатларини юксак баҳолаб ва уларнинг ташаббуси ҳамда активлигини янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб, қарор қиладилар:

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, хўжалик раҳбарлари **1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа тармоқлар ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини** кенг ривожлантириш мақсадида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришлари лозим.

Аввалги йиллардагидек бу йил ҳам социалистик мусобака **кам чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берайлик** деган шиор остида ўтиши зарур.

Мусобақадошларнинг куч-ғайратини ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, юксак сифат кўрсаткичларига эришиш учун курашга сафарбар қилиш керак. Шу мақсадда:

Ҳар бир корхонанинг белгиланган номенклатура ва ассортиментда планларни, кооперацялашган маҳсулот етказиб бериш планларини ва шартнома мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга;

ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифатини жиддий равишда яхшилашга, шу буюмларнинг техникавий даражасини оширишга. Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга;

илғор техника ва технологияни жорий этиш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, иш вақтидан рационал фойдаланиш негизида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг юксак суръатларига;

Ишлаб чиқариш резервларидан максимал фойдаланишга, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергияни тежашга, нобудгарчиликни, чиқиндиларни ва унумсиз ҳаражатларни анча қисқартиришга ва тугатишга;

Капитал маблағларнинг самарадорлигини янада оширишга, ишга туширилиадиган объектларни фойдаланишга топширишни жадаллаштиришга, янгидан ишга туширилган қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартиришга ва мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланишга, ишлаб турган корхоналар ва цехларни реконструкция қилишни тезлаштиришга эришиш лозим.

Саноатнинг барча тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари ва сифатини яхшилашлари керак.

Социалистик мусобақани кенг авж олдириш негизида:

Энергетикада — халқ хўжалигини ва аҳолини энергия билан узлуксиз таъминлаш, электр энергия ҳосил қилиш учун ёқилғи сарфлашни камайтириш, энергетика қурилмаларининг лойиҳадаги параметрларига тезроқ эришиш, электр линияларида нобудгарчиликни камайтириш;

ёқилғи саноатида — тармоқларни техникавий қайта қуроллантириш соҳасидаги ишларни анча кенгайтириш, барча турдаги ёқилғи қазиб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ёқилғи нобудгарчилигини камайтириш, кон қудуқларини пармалашни ва кон қазишни тезлаштиришни янада ошириш, конларни тезроқ қуриш;

металлургияда — металл маҳсулотининг сифатини яхшилаш ва сортаментини кенгайтириш, прокат ва трубаларнинг энг тежамли турлари ва профилларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, технология жараёнларини янада интенсивлаштириш ва янги самарали технология жараёнларини жорий этиш, металлнинг нобуд бўлишини анча камайтириш, металлургия хом ашёсидан комплекс ва тежамли фойдаланиш, маҳсулотни истеъмолчиларнинг буюртмаларига қатъий мувофиқ тарзда етказиб бериш;

машинасозликда — фан ва техниканинг замонавий ютуқларига мос бўлган машиналар, приборлар ва асбоб-ускуналар яратишни тезлаштириш, қурилаётган объектлар учун технология ускуналарини ўз вақтида етказиб бериш, янги техникани жорий этиш планларини бажариш, машина ва ускуналарга металл сарфини камайтириш, буюмларни ишлаган чоқда металл чиқиндиларини камайтириш, аниқ заготовкалардан, металларнинг ўрнини босувчи материаллардан кенг фойдаланиш, кўп станокка хизмат қилишни ривожлантириш, машина-ускуналар иши сменалари коэффициентини ошириш;

химия ва нефть химияси саноатида — минерал ўғитлар, химиявий тола, шина, резина-техника буюмлари, мойлаш материаллари, бўёқлар, пластмассалар, каучук ва рўзғор химияси моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, технология жараёнларини интенсивлаштириш, ишлаб турган цехларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, йирик тоннажли агрегатлар ва қурилмаларни ўзлаштириш;

ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатида — иморатбоп ёғоч, плиталар, целлюлоза, қоғоз, картон ва мебель ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ёғоч хом ашёсидан фойдаланишни яхшилаш; машиналар ва технология ускуналарининг иш самарадорлигини ошириш;

геологияда — геология-қидириш ишларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, сарфланган ҳаражатларнинг ҳар бир сўми ҳисобига минерал хом ашёнинг қидирилган запаси ўсишини кўпайтириш, фойдали қазилмаларнинг манбаларини қидириш муддатларини қисқартириш;

енгил ва озиқ-овқат саноатида — газлама, кийим-кечак, пойафзал, бошқа саноат ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни аҳолининг ҳозирги талабига мувофиқ ассортиментда ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини анча яхшилаш, хом ашё ва материаллардан рационал ва тежаб-тергаб фойдаланиш;

қурилишда — янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни ва маданий-маиший объектларни ўз вақтида ишга тушириш, ресурсларни ишга туширилиадиган қурилишларга тўплаш, қурилиш муддатини қисқартириш ва унинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш, материалларни сарфлашни ва қурилиш-монтаж ишларининг қийматини камайтириш, самарали материаллар ва конструкцияларни қурилиш практикасига кенг жорий этиш, бинолар ва иншоотларнинг ишғалигини ошириш, ишларни бажаришнинг прогрессив методларини қўлланиш, бригада хўжалик ҳисобини ҳамма жойда жорий этиш;

бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясида — заводда яхши тайёрланган янги самарали материаллар ва буюмлар, маҳаллий бинокорлик ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, саноатнинг бошқа тармоқларида қўшимча чиқариладиган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг фойдаланиш;

транспорт ва алоқада — транспортнинг барча турлари ишини мувофиқлаштиришни яхшилаш, юкларни тезроқ жўнатиш, локомотивлар, вагонлар, автомобиллар ва кемаларнинг бекор туриб қолишини камайтириш, норационал юк ташишни қисқартириш, юкларни ташишда нобудгарчиликни тугатиш, контейнерлардан фойдаланган ҳолда юк ташиш операцияларини механизациялашни кенгайтириш, транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлигини ошириш, юк ташиш таннархини камайтириш; транспортнинг барча турлари, почта, телефон, телеграф алоқаси, телевидение ва радио эшиттириш билан халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш;

илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларида — янги машиналар, асбоб-ускуналар ва материалларни ишлаб чиққан чоқда мамлакатдаги ва чет эллардаги энг яхши нусхаларнинг техника-иқтисодий ва фойдаланиш характеристикасидан устун турадиган кўрсаткичларга эришиш, прогрессив технология жараёнларини яратиш, буюмларнинг янги турларига материал ва меҳнат сарфини камайтириш, янги техникани ишлаб чиқиш қийматини пасайтириш ва муддатларини қисқартириш, самарали илмий ечимлар ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш;

таъминот ва сотиш ташкилотларида — барча корхоналар ва ташкилотларни узлуксиз, бир меъёрда ва комплект суратда таъминлаш, халқ хўжалигида мавжуд резервларни ҳамда хом ашё ва машина-ускуналарнинг нормативдан ташқари запасларини аниқлаш ва реализация қилиш, ишга туширилиадиган объектларни ўз вақтида комплектлаш, моддий ресурслардан фойдаланиш ҳамда кооперативлашган тарзда маҳсулот етказиб бериш планларини ҳамда шартномаларда кўрсатилган мажбуриятларни бажариш устидан назоратни кучайтириш;

савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатишда — товар оборотларини ва аҳолига маиший ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириб бажариш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ишнинг прогрессив форма ва методларини кенг жорий этиш, шаҳарларда ва қишлоқ жойларда савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини кенгайтириш таъминлансин.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари, министрликлар ва идоралар социалистик мусобақани ташкил қилишни такомиллаштирсинлар, коллективлар, ишчилар ва хизматчилар қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни таъминласинлар.

Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 30 йиллигини нишонлаш юзасидан зардоб меҳнат вахтасини ўтказиш соҳасида илғор ишчилар, бригадалар, сменалар, участкаларнинг ватанпарварлик ташаббуси бутун чоралар билан ёйилсин.

План топшириқларини ҳар бир ишчига етказиш ва бу планларни бажариш учун курашни уюштириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, беш кунлик топшириқларни тўрт кунда бажариш, ходимларнинг сонини кўпайтирмаган ва капитал маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш ҳамда шу асосда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, сифати олий ва юқори категорияли буюмлар салмоғини ошириш, моддий ресурсларни иқтисод қилиш ҳисобига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан шу беш йилликда орттирилган ижобий тажрибадан кенг фойдаланилсин.

Цех, смена, бригада, участкалар коллективларининг мусобақасини ривожлантиришга, турдош корхоналарнинг ҳамкорлигига, шунингдек касблар бўйича якка-якка тартибда ўтказиладиган мусобақага катта эътибор берилсин. Ҳар бир ишчи, техник, инженер, хизматчининг умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок қилишига эришилсин. Илғор ишчиларнинг машина-ускуналардан, иш вақтидан энг кўп даражада фойдаланиш ва профессионал маҳоратини ўстириш асосида юксак иш кўрсаткичларига эришиш соҳасидаги тажрибаси қўллаб-қувватлансин ва рағбатлантирилсин. Инженер-техник ходимларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини такомиллаштириш ва оширишга қаратилган шахсий ижоди планларни қабул қилиш ва амалга ошириш соҳасидаги ташаббуси кенг ёйилсин. Фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг ижодий ҳамкорлиги мустаҳкамлансин, рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракати ривожлантирилсин.

Ҳар бир соҳада, ҳар бир республика, ўлка, область, шаҳар ва районда энг яхши коллективларнинг ва ишлаб чиқаришдаги айрим илғорларнинг прогрессив методларини ўрганиш ва жорий қилиш соҳасидаги иш давом эттирилсин. Кекса ходимларнинг илғор тажрибасини, малакасини, ишчилар синфининг меҳнат анъаналарини ёшларга ўргатишнинг энг муҳим формаларидан бири сифатида мураббийлик иши ривожлантирилсин. Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини жорий қилиш партия ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг, инженер-техник ходимларнинг энг муҳим бурчи, деб ҳисоблансин.

1975 йилда:

етакчи касбдаги ишчиларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилсин ва ғолибларга министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетининг «Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарганлиги учун» фахрий дипломлари ва эсдалик совғалари топширилсин;

бригада (участкалар)нинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетининг «Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарганлиги учун» фахрий вимпеллари ҳамда эсдалик совғалари топширилсин;

комсомол ёшлар бригадаларининг Бутуниттифоқ мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга «Беш йилликларнинг қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари— энг яхши комсомол-ёшлар коллективига» кўчма Қизил байроқлари топширилсин;

корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилишлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коллективларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 770 та кўчма Қизил байроғи ва дипломлар ҳамда пул мукофотлари топширилсин;

шаҳарлар ва шаҳар районларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 100 та кўчма Қизил байроғи диплом ва пул мукофотлари билан бирга топширилсин.

1975 йилда соҳалар бўйича илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Министрликларга ва касаба союзлари Марказий Комитетларига ғолибларни рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотларини белгиланган тартибда таъсис этишга рухсат берилсин.

Беш йилликнинг якунловчи йилида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш учун «1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» деган ягона Умумиттифоқ нишони таъсис этилсин.

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ишлаб чиқариш илғорларини «Тўққизинчи беш йиллик зардори» нишони билан мукофотлаш давом эттирилсин ва уларга эсдалик совғаси топширилсин.

ВЦСПСнинг тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган энг яхши ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет элларга сафар қилиш учун 90 мингта имтиёзли туристик йўлланма бериш ҳақидаги таклифи;

ВЛКСМ Марказий Комитетининг тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун ўтказилган социалистик мусобақада жуда катта натижаларга эришган комсомол-ёшлар коллективларга ва ишлаб чиқаришдаги ёшлар учун Ленин комсомолининг 40 мукофотини бериш ва уларга 15 мингта имтиёзли туристик йўлланма ажратиб бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, министрликлар ва идораларга, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига касаба союз ва комсомол органлари билан биргаликда:

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказиладиган социалистик мусобақада энг катта натижаларга эришган ишлаб чиқаришнинг алоҳида намуна кўрсатган илғорларини, бригада (участка)ларнинг аъзоларини;

Беш йиллик планни муддатидан илгари бажарган ва ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, янги техникани яратиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашда улкан муваффақиятларга эришган ҳамда энг муҳим объектларнинг ишга туширилишини ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштирилишини таъминлаган энг яхши корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларни ҳукумат мукофотларига тақдим этишларига рухсат берилсин.

Тармоқлар ичидаги корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар социалистик мусобақасининг квартал (ярим йиллик) якунларини тўплаш ва уларга СССР министрликлари (идоралари) ва касаба союз Марказий Комитетларининг кўчма Қизил байроқларини ҳамда пул мукофотларини топшириш тартиби;

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини тўплаш тартиби, ғолибларни рағбатлантириш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йил 7 январдаги 18 ва 23 сонли қарорлари, 1974 йил 29 ноябрдаги 932 сонли қарорида белгиланган тадбирлар ва бунинг учун маблағ ажратиш манбалари 1975 йил учун сақлаб қолинсин.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини тўплаш ва бу мусобақадаги ғолибларни белгилаш 1975 йил халқ хўжалиги плани ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш натижаларига қараб ўтказилсин ва бунда беш йиллик топшириқларнинг бажарилиши ҳисобга олинсин.

Марказий ва маҳаллий газеталар, журналлар ва нашриётларнинг редакцияларига, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига ишчилар, бригадалар, цехлар, корхоналар, қурилишлар, шаҳарлар, область ва ўлкалар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг боришини оператив суратда ёрқин ва яққол ёритиш топширилсин. Меҳнат коллективларнинг ҳаётидан конкрет мисоллар келтириб, кишини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ишчанлиги ва масъулиятини ошириш ишида, социалистик коллективизмни таркиб топтиришда социалистик мусобақанинг роли кўрсатиб берилсин.

1975 йилда марказий ва маҳаллий газеталарда социалистик мусобақанинг бориши ва натижаларига бағишланган махсус саҳифалар чиқариш давом эттирилсин.

Корхоналар, қурилишлар, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа соҳаларининг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат коллективларида кўргазмали агитациянинг хилма-хил воситаларидан фойдаланишлар, корхоналар олдида турган вазифаларни аниқ ва равшан шаклда баён қилиб берсинлар, бу вазифаларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини кўрсатиб берсинлар. Тўққизинчи беш йиллик қаҳрамонлари — социалистик мусобақа ғолиблари галереясини таъсис этиш тавсия қилинсин.

СССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетига, сиёсий адабиёт нашриётига, «Плакат» нашриётига, СССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига 1975—1976 йиллар планларида брошюралар, плакатлар нашр этиш ва ҳужжатли фильмлар чиқариш топширилсин. Буларда совет меҳнаткашларининг — тўққизинчи беш йиллик зардорларининг қаҳрамонона образи ва уларнинг иш тажрибаси очиб берилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қаҳрамон ишчилар синфи инженер-техник ходимлар, саноат, қурилиш, транспортнинг ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг барча меҳнаткашлари Бутуниттифоқ социалистик мусобасида актив қатнашиб, 1975 йилги халқ хўжалиги планининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлайдилар, тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети музикали телевизион программалар бош редакцияси бош редакторининг ўринбосари, композитор Тельман Набиевич **Ҳасановга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада телевизион санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг катта диктори Уктам **Жобировга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада телевизион санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг олий категориядаги диктори Галина Витальевна **Мельниковага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирининг ўринбосари Анастасий Матвеевич **Афанасьевки** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги диний ишлар кенгаши Ўзбекистон ССР бўйича вакилининг ўринбосари Жалил **Маликовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

Коммунистлар ва комсомолларнинг бурчи — мусобақага пешқадамлик қилишдан, унинг илҳомбахш ва ташкилотчи кучи бўлишдан, ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида юксак онглилик ва ижодий активлик намунасини кўрсатишдан иборат. Улар тўққизинчи беш йилликни муносиб тугаллаш учун курашда меҳнат коллективларининг авангарди бўлиш ролини бундан буён ҳам актив бажаришлари керак.

(КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан).

БАЙРОҚДОРЛАР

Қалмоққир конида тоғ мастери В. Митинни ишбилармон раҳбар деб ҳисоблашарди. Лекин кейинги вақтларда сменада вужудга келган аҳволдан цех партия бюроси ташвишга тушиб қолди. Чунки барча коммунистлар ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун бошланган мусобақада актив қатнашишмас, коллективда тарбиявий иш сусайтириб юборилган эди. Коммунист В. Митиннинг эса вужудга келган аҳволга бефарқ қараётгани сезила бошлади. Шунда партия бюроси унинг ҳисоботини йиғилишда эшитишга қарор қилди. Коммунистлар коллективда вужудга келган камчиликларни рўй-рост очиб ташлашди. Тоғ мастерига ўз ҳамкасбларининг ҳаққоний эътирозларини эътибор билан эшитишига тўғри келди.

Шуни айтиш керакки, партия йиғилиши коммунист В. Митин учун ҳам, сменада меҳнат қилаётган баъзи коммунистлар учун ҳам катта сабоқ бўлди. Йиғилишдан кейин улар коллектив меҳнатига қўшаётган шахсий ҳиссаларини талабчанлик билан баҳолайдиган, меҳнат унумдорлигини оширишнинг мавжуд резервларини излаб топиш, ишга солишда қатъиятлироқ бўлиб қолдилар. Сменада белгиловчи йилни муддатидан илгари бажариш учун шахсий мусобақа важ олдирилди. Партия бюроси эса унинг натижаларини якунлаб бориб, илғорларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берди. Натижада мусобақа илғорларини коллектив бўлиб шарафлаш анъанаси вужудга келди.

Бугина эмас, коммунистлар мусобақада орқада қолаётганларни ҳам мунтазам назарда тутишади. Уларга зарур ёрдам кўрсатилади. Ҳар бир коммунист ёшларнинг мураббийси ва устози бўлишига алоҳида эътибор берилди. Шу туфайли план ой сайин ортиғи билан ошириб бажарила бошланди. Смена коллективи йиллик мажбуриятини 25 декабрь куни адо этди.

Партия йиғилишларида коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда уларнинг авангардлик ролини таъминлашга ёрдам бермоқда. Бундай ҳисоботлар ҳар бир коммунистнинг топширилган ишга муносабатини ўрганишга имкон бермоқда. Кишиларда ижтимоий ва меҳнат активлигини ошириш, ўз қобилиятини тўлароқ намоён қилиш масъулиятини кучайтирмоқда. Қалмоққир кони, рух ва химия заводлари, бошланғич партия ташкилотларида бу иш мунтазам йўлга қўйилган. Рух заводи бошланғич партия ташкилотида сўнгги бир йилда ўн коммунистнинг ҳисоботи эшитилди.

Коммунистлар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун курашда шахсий намуна кўрсата бошладилар. Мусобақада иштирок этиш, коллектив ҳал қилаётган вазифаларни бажаришга кўпроқ шахсий ҳисса қўшиш учун кураш улар активлигининг муҳим кўрсаткичига айланди. Рух, химия, ремонт-механика заводлари, 4- ва 5-қурилиш бошқармаларининг бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг оммавий мусобақадаги пешқадамлик ролини тобора кучайтирмоқдалар.

Бу жиҳатдан В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинати партия ташкилотининг тажрибаси диққатга сазовордир. Она-Ватанимизга кўпроқ ноёб металлар етказиб бериш учун курашаётган бу йирик корхона коммунистлари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Коммунистлар, 2,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан қабул қилинган оширилган мажбуриятни ҳам шараф билан бажардилар. Кўпгина коммунистлар беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш учун мусобақага қўшилиб, ишлаб чиқаришда қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Автотранспорт бошқармасидан М. Курносов, И. Студениковлар ҳозирда ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётганлар. Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1974 йил) Пленуми қарорлари, Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида қўйилган улуғвор вазифаларни бажариш учун бошланган оммавий мусобақага партия Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати юксак суръат бахш этди. «Материал, пул, табиий ресурсларимиздан, ҳар бир меҳнатчининг иш вақтидан самарали фойдаланиш жуда муҳим». Мурожаатнинг бу сатрлари металлургларимиз ва кончиларимиз, транспортчиларимиз ва химикларимизни резервлардан тўла фойдаланиш учун курашга отлантирди.

Якунловчи йилнинг ишлаб чиқариш суръати ҳақида гап борар экан, юздан зиёд ишчи ўзининг шахсий беш йиллик планини ортиғи билан бажарганини тилга олиш қувончлидир. Ўтган йили шаҳримизда меҳнат зарбдорларидан 300 га яқин киши орден ва медаллар билан тақдирланди. Уларнинг ярмидан кўпи коммунистлардир. Шавкатли меҳнат эстафетаси давом этмоқда. Меҳнат коллективларида мусобақа кунсайин оммавий тус олмоқда. Якунловчи йил вазифаларини бажариш учун қанчалик кўп куч-ғайрат ва шахсий ташаббускорлик кўрсатиш лозимлигини биргина рақам билан очиқ-ойдин ифодалаш мумкин: шаҳримизда бир кеча-кундузда 2-2,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилиниши керак. Бу ниҳоятда масъулиятли вазифадир. Уз сафига 4747 коммунистни бирлаштирган шаҳар партия ташкилоти бутун сиёсий-ташкилотчилик фаолиятини ана шу вазифани бажаришга қаратмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш бунда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун машиналар яратиш, уларни жорий этиш, янги технология жараёнларини кенг қўллаш, машиналар қувватидан тобора оқилона фойдаланиш асосидагина бу вазифани муваффақиятли уддалаш мумкин. Тўққизинчи беш йилликнинг ана шу улуғвор вазифаларини бажаришда шаҳар партия ташкилоти барча коммунистларнинг активлиги ва фидокорлигига суянмоқда.

Лекин айрим бошланғич партия ташкилотлари ишидаги камчиликлар, сафимизда ҳали ўзини чинакам сиёсий жангчи сифатида кўрсатмаётган баъзи коммунистларнинг борлиги афсусланарлидир. **«Партия пассивликка ва лоқайдлика тоқат қилиб туролмайди, —** деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг КПСС XXIV съездига Ҳисобот докладида. — **Башарти сен коммунист экансан, сенинг вазифанг қийинчиликлар олдида чекиниш, қолоқ кайфиятларга берилиш эмас, балки партиянинг онгли ва актив жангчиси бўлишдан иборатдир».**

Шаҳар партия комитети шуни назарда тутиб коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтиришга эътиборни тобора оширмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари бошланғич партия ташкилотларида қизғин иш олиб борилмоқда. Асосий эътибор ишлаб чиқариш қувватларидан, хом ашё ва электр қувватидан оқилона фойдаланишга, иш вақтининг ҳар бир минутини тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш вазифаларига хизмат қилдиришга қаратилмоқда. Бу курашнинг байроқдорлари, ташаббускорлари коммунистлардир. Улар меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатиб, коллективни олға бошламоқдалар, ишлаб чиқариш топшириқларини ва юксак - мажбуриятларни ортиғи билан бажариш учун мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

В. МУҲАМЕДОВ,
Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

ШАХСИЙ ИБРАТ

Қарши чўлидаги барча ўзгаришлар Ҳамроқул Жўраевнинг кўз ўнгида содир бўляпти. Партия даъвати ва қалб амри билан у биринчилар қаторида чўлдаги қурилишга келди. Йил сайин маҳорати оша бориб, юқори малакали шоферлар қаторидан ўрин олди. Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки кунларидаёқ беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ташаббуси билан чиқди, ҳозир ўзига топширилган вазифани ҳалол адо этмоқда.

Ҳар соҳада ҳамкасбларига шахсий ибрат кўрсатиш, ўзи унумли ишлабгина қолмай, бошқаларни ҳам шунга даъват этиш коммунист Ҳ. Жўраевга хос фазилат бўлиб қолди. Ҳамроқул ойлик, квартал ва йиллик планларини мунтазам ошириб бажармоқда. У иш куни бошланмасданоқ навбатдаги рейсга тайёргарлик кўриб топшириқни бажариш учун ҳамма имкониятларни ҳисоб-китоб қилади, ишни олдиндан режалаб қўяди. Автотранспорт идорамизнинг бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишда Ҳамроқул Жўраевнинг партия топшириғини яхши бажараётгани алоҳида таъкидланди.

Эсимда, партия ҳужжатлари алмаштирилаётган кунларнинг бирида янги нусҳадаги партия билетини қабул қилиб олар экан, Ҳ. Жўраев намунали меҳнати билан ўзига билдирилган ишончни шараф билан оқлашга ваъда берган эди. Янги йил бўсағасида ўз сўзининг уддасидан чиқди: беш йиллик юзасидан шахсий мажбуриятини муваффақиятли уддалагани тўғрисида рапорт берди.

Коммунистлар етти юз кишилик коллективимизда катта куч. Улар юк ташиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун мусобақани авж олдириб, меҳнатда ҳам, турмушда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан меҳнат унумдорлигини ошириш, янги резервлар ҳисобига юк ташиш салмоғини кўпайтириш коммунистларнинг асосий шиори бўлиб қолди. Бу соҳада Ҳамроқул Жўраев каби ишлаб чиқариш пешқадамларининг сафи тобора ортиб бораётир. Улардан ибрат олаётган 50 дан ортиқ киши тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида туриб 1976 йил, 26 шоҳбр эса 1977 йил ҳисобига юк ташимоқда. Ўнлаб кишилар беш йиллик планларини уч ярим йилда бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Коммунистлар иш боши бўлган автохўжалигимиз ойлик ва квартал якунлари бўйича ўтган йили «Каршистрой»да биринчи ўринни эгаллаб, бир неча марта кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланди. Бу ҳам бўлса, бошланғич партия ташкилотининг хўжаликка партиявий раҳбарликни тобора кучайтираётгани, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли мустаҳкамланиб бораётгани натижасидир. Коллективимиз ҳозир беш йилликнинг сўнгги йилини ҳам катта ютуқлар билан якунлаш тадбирларини кўрмоқда.

В. СМОТРОВ,
«Каршистрой» бошқармаси 5-автотранспорт идораси бошланғич партия ташкилоти бюросининг аъзоси, шофер.

БИР ТАШАББУС ИЗИДАН

Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йили хўжаликнинг барча соҳаларини механизациялаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилган салмоқли йил бўлди. Колхозимиз коммунистлари янги ташаббус бошлаб, пахтачиликда меҳнат қиладиган ҳар бир киши механизаторлик касбини эгаллаши зарур, деган чақириқ билан чиқдилар. Ана шу чақириқ остида тажрибали механизатор, коммунист Убайдулла Каримовнинг ҳам имзоси қўйилган эди. Мен қўйида ибратли ташаббус бошлаб, ҳайрли ишга қўл урган Убайдулла ака ва унинг оила аъзолари тўғрисида, улардан намуна олган бошқа оловқалб механизаторларимиз тўғрисида ҳикоя қилмоқчиман.

Убайдулла ака Каримов колхозда механизатор бўлиб ишлаётганига 30 йил бўляпти. У хўжаликда пахтачиликни юксалтириш, айниқса деҳқончиликка механизацияни кенг жорий қилишнинг чинакам жонкуяри. Биринчи марта пахтани машина билан териш ҳақида сўз очилганида қишлоқда бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган, дастлабки терим машинасини бошқарганлардан бири ҳам коммунист Убайдулла Каримовдир. Тажрибали механизатор фарзандлари қалбида ўз касбига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғота олди. Қизлари Каромат ва Салтанат ҳам ота изидан бориб деҳқончиликни механизациялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Бурноғи йили Каромат «зангори кема»да 150 тонна «оқ олтин» териб, ишлаб чиқаришда олдинги сафда борганлиги, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганлиги учун КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Ана шундай қилиб, Энгельс номли колхозда дастлабки механизаторлар оиласи вужудга келди.

Коммунист бошлаган бу ибратли ташаббусни бошланғич партия ташкилоти илгаб олиб, қўллаб-қувватлади, пахтакорларни коммунист Убайдулла ака Каримов оиласидан ибрат олишга даъват этди.

Хайрли ишнинг илдизи теран бўлади. Хўжаликнинг барча соҳаларини комплекс механизациялаштириш давр талаби эканлигини яхши тушунган колхоз аъзолари бу ишга жонфидоллари билан бош қўшдилар. Ўтган йилнинг ўзида колхозимизда техниканы бошқараётган хотин-қизлар сафи 20 кишига етди. Коммунист Каримжон Бойиров эндиликда қизи Марҳаматхон билан сменадош бўлиб ишлаяпти. Колхоздаги обрўли, иззатли оилалардан бири бўлган Ҳайдарали Акрамовнинг хонадонидан тўртта механизатор етишиб чиқди. Бундай оилалар сони кўпайиб бораяпти.

Колхозда механизаторлар сафи кенгайиб, пахтачиликда комплекс механизация жорий қилинаётгани ўтган йил якунларида ҳам ўз самарасини кўрсатди. 4700 тонналик «оқ олтин» хирмонининг 4100 тоннаси «зангори кема»лар билан териб олинди. Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида муваффақиятларимиз янада кўпаяди. Коммунистларнинг ҳозирги қайноқ фаолияти ана шундан далолат бермоқда.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Норин районидаги Энгельс номли колхоз механизатори.

ЎЗБЕКИСТОН НАМУНАСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон номи билан аталувчи ва у билан боғлиқ бўлган совет денгиз кемаларининг республиканинг Совет ҳокимияти йилларида СССР халқлари қардошларча оиласида КПСС нинг ленинча миллий сиёсатини амалга ошириш туфайли социал, иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни ҳорижий мамлакатларда пропаганда қилиш соҳасидаги самарали иштирокини ҳисобга олиб ва ана шу соҳадаги фаолиятини янада активлаштириш мақсадида қарор қабул қилдилар. Ўзбекистон номи билан аталувчи ва у билан боғлиқ совет денгиз кемаларига доимий сақлаш учун топшириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қизил байроқлари таъсис этилди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советларига, дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятига, республиканинг тегишли министрликлари ва идораларига Ўзбекистон номи билан аталувчи ва у билан боғлиқ бўлган совет денгиз кемалари орқали чет мамлакатларда Совет Ўзбекистони ютуқларини пропаганда қилишни тўлдириш, Кемаларни ахборот-пропаганда материаллари, фотовиставкалар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар, магнитофон ёзувлари ва бошқа материаллар билан ўз вақтида таъминлаб туриш юзасидан тадбирлар белгилаш юкланди.

Ҳорижий мамлакатларда коммунистик идеология тантанасини пропаганда қилиш, монопиталистик тараққиёт йўли тажрибасини, КПСС ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши туфайли эришилган социал-сиёсий натижаларни, партия XXIV съезди тарихий қарорлари ва КПСС Марказий Комитети нейинги пленумларининг республика халқ хўжалиги ва маданиятининг янада тараққий эттиришдаги аҳамиятини пропаганда қилишнинг сиёсий самарасини ошириш совет денгиз кемалари экипажларига яқиндан кўмаклашиш назарда тутилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика коммунал хўжалигида капитал қурилишни ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инокор» фахрий унвонини берди:

Дадабоев Ўрозбой — Андижон область ремонт-қурилиш трести 1-ремонт-қурилиш ишлари бошлиғи бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Дидович Яков Ефимович — Ўзбекистон ремонт-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

Евдокимов Виталий Иванович — Сурхондарё область ремонт-қурилиш бошқармаси Термиз шаҳар 31-ремонт-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Иброҳимов Кеулимжай — Қорақалпоғистон «Зеленстрой» ремонт-қурилиш участкасининг ишчиси.

Инатов Асад — Жиззах область ремонт-қурилиш бошқармасига қарашли 36-Жиззах ремонт-қурилиш участкасининг сувоқчиси.

Киличев Очил — Бухоро область ремонт-қурилиш бошқармаси ремонт-қурилиш ишлари бошлиғи Бухоро бошқармасининг ғишт терувчиси.

Полвонов Ёқуб — Хоразм область ремонт-қурилиш бошқармаси 59-Урганч шаҳар ремонт-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Пахальянц Владимир Вартеросович — Самарқанд область ремонт-қурилиш трести 22-ремонт қурилиш ишлари бошлиғи Самарқанд бошқармаси сувоқчиларининг бригадири.

Старигин Леонид Анатольевич — «Узводоканал» трести Гулистон шаҳар водопроводининг газэлектр пайвандчиси.

Хошимов Қосим — Фарғона область ремонт-қурилиш трести 50-ремонт-қурилиш ишлари бошлиғи Фарғона бошқармасининг ғишт терувчиси.

Йўлдошев Турғун — Тошкент область ремонт-қурилиш трести 45-Оржоникидзе ремонт-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика коммунал хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги корхоналари ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

1975 йил 7-8 январь кунлари Москва шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комитет ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг мудофаа министрлари, Бирлашган қуролли кучлар бош қўмондони ва Бирлашган қуролли кучлар штаби бошлиғи иштирок этдилар.

Иш жараёнида Бирлашган қуролли кучларга раҳбарлик органларининг ҳозирги фаолиятига таллуқли масалалар кўриб чиқилди.

Мудофаа министрлари комитетининг мажлиси дўстона вазиятда, барча қатнашчиларнинг ҳамжиҳатлиги руҳида ўтди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан бамаслаҳат қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко раислик қилди.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

Украинанинг Донецк шаҳрида кончилик ва металлургия саноати оғир машиналари тараққиёти бўйича биринчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиум ишида ГДР, ЧССР, ГФР, Польша, Венгрия олимлари ва мамлакатимизнинг Ленинград, Тошкент, Киев сингари йирик шаҳарларидан етакчи мутахассислар қатнашдилар.

Симпозиум қатнашчилари халқ хўжалигининг бу инки муҳим тармоғида ишлатилаётган машиналар чидамлилигини таъминлаш, тезлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, самарадорлиги ва техник қувватини ошириш каби қатор масалаларни муҳокама қилишди. Симпозиумда Совет Иттифоқи бу соҳада катта ютуқларга эришганлиги таъкидлаб ўтилди.

Олимлар СССР ҳўлга киритган муваффақиятларда Тошкент политехника институти мутахассисларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд қилдилар.

Н. КРОҲИН,
инженер.

КАТТА КАРВОН

Репортаж

Ўлкамизнинг энг жанубий шаҳри Термизни Амударёсиз, унинг қирғоғидаги машҳур дарёни портисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Дарё йўлидаги энг йирик кемалар тўхтайдиган жой — Ўрта Осиё пароходчилигининг Термиз порти жойлашган ярим доира шаклидаги тик, баланд майдонда афсонавий семург қушларни эслатувчи узун тумшуқли юк кранлари доимо ҳаракатда. Бу ер — улуғ мамлакатимизнинг Шарқдаги дарвозаси, доврўғи узоқ элларга ёйилган халқаро савдо порти.

Ўзига хос улкан корхона — катта карвонлар манзили бўлган портнинг соҳилдаги майдончаларида турли хил юклар қатор териб қўйилган. Махсус рельсларга ўрнатилган бешта йирик кран бир зум тинмайди — биттаси юк туширса, иккинчиси ортаяпти. Порт манзарасини, у ердаги ишларнинг боришини дабдурустдан келган киши бирданига англаб, тушуниб олиши амри маҳол, албатта.

Шунинг учун порт бошлиғи Виктор Автономович Ченчикдан бир қадам ҳам ажралмаган ҳолда, уни саволларга кўмиб юборамиз. Асли денгизчи — Одессадаги денгиз флоти институтини тамомлаган ўрта бўйли бу чаққон йигит дарёчилик илмини сув қилиб ичиб юборганлардан. Кўп ўтмай биз порт фаолиятига доир жуда кўп нарсаларни билиб олдик. Бу ердан республикамизнинг Хўжайли, Мўйноқ ва қардош Туркманистоннинг Чоржўй, Тожикистоннинг Панж портларига дон, нефть, тахта ва бошқа турли хил юклар юборилса-да, порт ишида халқаро савдога доир юклар асосий ўрин тутади. Айниқса, қўшни Афғонистон орқали Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга кўплаб юклар жўнатилади.

Термиз портида улкан «сув локомотив»лари — замонавий теплоходлар хизмат қилмоқда. Виктор Автономович портнинг оғирини енгил қиладиган «катта карвон»лардан «Ашхобод», «Мурманск», «Юрий Гагарин», «Тошкент» каби теплоходлар ва уларнинг экипажлари ҳақида фахрланиб гапирди. Ўрта Осиё пароходчилигининг фахри бўлган бу кемалар ҳар гал сафарга чиқишда бир ярим минг тоннагача юк ортилган баржалар эшелонини бемалол судраб кета олади.

Порт бошлиғи бу кемаларнинг даргалари, уларнинг юндалик машаққатли ишлари тўғрисида ҳам кўпгина яхши гаплар айтди. «Ашхобод» кемасининг капитани, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери Жумақули Бозоровнинг номини у хурмат билан тилга олди. Қўчқор Олтибоев капитан бўлган «Мурманск», Анатолий Танков бошчилигидаги «Юрий Гагарин», Федор Носов даргa бўлган «Тошкент» теплоходларининг коллективлари ҳам юк ташиш беш йиллик планларини аллақачон бажариб бўлишди.

Ҳамма соҳадаги каби сув портлари ишчилари орасида ҳам ишни яхши ташкил қилишнинг илғор ташаббускорлари бор. Қора денгиздаги Ильичев портининг бригадири Анатолий Барановский барча кучлар ва механизмларни марказлаштириш улардан тўла фойдаланиш ҳаракатини бошлаб берди ва мамлакатдаги барча ҳамкасбларини шунга чақирди. Термиз портида Александр Гришченко бошлиқ бўлган комплекс бригада аъзолари бу ташаббусга биринчи бўлиб қўшилдилар. Бригада аъзолари тезкорлик ва уюшқоқлик билан ишлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ражаб Тўраев, Чори Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадалар аъзолари уларнинг изидан боришмоқда. Порт кемаларини ремонт қилиш устахонаси ва алоқачилар бўлими ҳам яхши меҳнатлари билан ҳурматга сазовор бўлдилар. Коллективнинг уюшқоқлик билан қилган меҳнати туфайли белгиловчи йил юк ортиш ва тушириш плани октябрдаёқ ошириб бажарилди, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва халқаро савдо учун зарур минглаб тонна юк планга қўшимча ташиб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга ва совет халқига Мурожаатидан руҳланган дарёчилар беш йиллик маррасини муддатидан илгари эгаллаш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқдалар. Кўплаб ишчилар юк ортиш-тушириш тезлаштиришга қаратилган янги ташаббусларнинг ташкилотчилари бўлмоқдалар, механизмлар қувватидан янада самарали фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар.

...Биз дарёчилар ҳузуридан қайтаётганимизда соҳилда минглаб чироқлар порлаб кетган, асов Аму инсон меҳнатини мадҳ этаётгандай тўш уриб, шовуллаб оқиб ётарди.

М. ХУДОЙҚУЛОВ,
Б. МЕНГЛИҚУЛОВ.
Термиз шаҳри.



«Беш йилликнинг якунловчи йилида кўплаб сифатли пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз!» Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси коллективининг аҳди шундай. Корхонанинг КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланган илғор пойафзалчилари йилнинг Октябрь ойи ҳисобига иш бошладилар. Суратларда: фабриканинг 4-цехи пешқадамлари (чапдан) Р. Тожиева, И. Назаров ва О. Гришаев ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.

Улуғ ғалабанинг 30 йиллиги олдидан

ФРОНТЧИЛАР ОЛДИНГИ САФЛАРДА

Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводида ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб ўтказилган биринчи меҳнат вахтасида қаҳрамон шаҳар Москва шарафига 15 зарбдор кун якунланди. Машинасозлар пландан ташқари 25 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш тўғрисида берган ваъдаларини бажардилар.

Машинасозлар шонли 30 йилликни муносиб нишонлаш мақсадида бошлаган социалистик мусобақанинг биринчи сафларида Улуғ Ватан уруши иштирокчилари — собиқ фронтчилар бормоқдалар. Ғалабадан кейинок «Ўзбекхиммаш» заводига ишга келган токарь К. В. Никитин 1977 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Қизил Армиянинг собиқ солдати М. Г. Шантин бошлиқ бригада ҳам смена топширигини бир ярим баравар адо этмоқда. Ватан учун олиб борилган жангларда қаҳрамонлик намунасини кўрсатган темирчилик — пресс цехининг ишчиси В. Гончаров, ҳозир 1976 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Слесарь-асбобсоз А. Абибуллаев, фрезерчи С. Земелов, токарь А. Фомичев каби собиқ фронтчилар мусобақада олдинги сафларда бориб, нормани камида 120 процент бажармоқдалар.

Заводда Улуғ Ватан уруши ветеранларидан ҳозир 160 киши ишлаб турибди. Сочлари оқариб, ёшлари ҳам анчага бориб қолган собиқ фронтчилар мусобақада пешқадам. Ёшларга ташаббускорлик ва ғайрат намунасини кўрсатмоқдалар. Комсомоллар эса, кекса солдатларнинг улуғ ғалаба хотирасига қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Киев, Минск, Новороссийск, Керчь ва қаҳрамон Брест қалъаси шарафига 15 кунлик зарбдор вахтада туриб ишлаш ҳақидаги чақириққа зўр ғайрат билан қўшилдилар. Улар шу вақт ичида пландан ташқари чорак миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, тўққизинчи майгача меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик топшириқларини бажариш, қаҳрамон шаҳарлардаги корхоналарнинг барча буюртмаларини муддатидан илгари адо этиш мажбуриятини олдилар.

Завод ёшлари бутун коллективнинг мажбуриятни бажаришига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ю. Ананин ва М. Абдурахмонов бошчилигидаги комсомол бригадалари пландан ташқари кўпгина маҳсулот тайёрлаб, 42 тонна металлни, шу жумладан зангламайдиган пўлатни тежаш мажбуриятини қабул қилдилар. Заводда ишлаётган 630 комсомолнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ўзининг шахсий беш йиллик планларини бажарди ёки бажариш арафасида турибди. «Ўзбекхиммаш» коллективи ғалаба кунини мана шундай кутиб олмоқда. Москва шарафига ўтказилган меҳнат вахтаси кунларидаги суръат мажбуриятнинг бажарилиши учун гаровдир.

О. ПАНОВА.
(ЎзТАГ мухбири).

ПАРТИЯ РАҲНАМО

КПСС Марказий Комитетининг партилга, совет халқига Мурожаати колхозимиз меҳнат аҳлини янги зафарларга руҳлантириб юборди. Бу илҳомбахш ҳужжатда тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида совет халқи олдида турган улуғвор вазифалар, КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети тўққизинчи чақириқ иккинчи сессияси қарорлари тўла-тўкис ўз ифодасини топган. Мурожаатда КПСС Марказий Комитети колхозчи-деҳқонларни, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик ходимларини маҳсулот етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш, дон, пахта, қанд лавлаги, картошка ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ҳамда ялпи ҳосилини оширишга, чорвачилик маҳсулдорлигини кўтариш ва техника, минерал ўғитдан самарали фойдаланиш учун курашга чақиради.

Колхозимиз аъзолари Мурожаатни юксак кўтаринкилик руҳида муҳокама этиб, бир оғиздан маъқулладилар ва беш йилликнинг якунловчи йилида ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Шуни айтиш керакки, хўжалигимиз меҳнатчилари ўтган йили 1420 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ошириб хирмон кўтардилар ва ҳосилдорликда республикада биринчи ўринни эгалладилар. Беш йиллик план тўрт йилда ошириб бажарилди. Бу ғоят юксак маррага сахий ерни эъзозлаш, сувдан, ўғитдан, техникадан самарали фойдаланиш йўли билан эришилди.

Колхозимиз заршуносларининг жонажон партиямиз Мурожаатига жавобан беш йилликнинг якунловчи йилида 1500 гектар майдондан 52 центнердан пахта ҳосили етиштиришга қатъий аҳд қилдилар. Бу коллективнинг аҳиллигики, меҳнатсеварлигини, ишнинг кўзини билиб резервлардан самарали фойдаланишини яна бир марта намойиш қилади.

Ташаббускор деҳқонларимиз ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини сўзсиз бажариш, якунловчи йил топшириқларини ошириб адо этиш учун ҳормайтолмай меҳнат қиладилар.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
Шўрчи районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси.

Бухоро область, Навоий районидаги «Нарпай» совхози чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар Мурожаатдан руҳланиб, сигирлардан сут соғиб олишни кундан-кунга кўпайтирмоқдалар. Суратда: илғор чорвадорлардан Фароғат Очилова, Санобар Хўжаеваларни кўриб турибсиз. Улар якунловчи йилда ҳар бир сигирдан 3 минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олишган.

Ж. Тўраев фотоси.

ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ОБЛАСТИМИЗ ўзининг серўт яйловларига эга эмас. Суғориладиган ерларда пахта, беда, маккажўхори, сабзавот етиштирилянти, боғлар бунёдга келтирилянти. Лалмикор ерлар ғалла билан банд. Шунга қарамай, чорвачиликни ривожлантиришимиз, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришимиз керак. Партиянинг аграр сиёсати амалга оширилиб марказлаштириш, ихтисослаштириш, кооперациялаш кенг жорий этилаётган ҳозирги шароитда пахтачилик билан чорвачиликни бирбирига уйғунлаштириб бориш катта аҳамиятга эгадир. Область партия комитети ва область ижроия комитети буни ҳисобга олиб, кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Пахта—беда алмашлаб экиш кенг жорий этилиши туфайли беда етиштириш кўпайди, фақат қуруқ пичан эмас, беда уни, сенаж ҳам кўзда тутилганидан зиёд тайёрлана бошлади. Шу билан бирга тупроқ унумдорлиги кўтарилди, вилт замбуруғлари камайди. Область партия ва совет ташкилотлари чорвачиликни пахтачилик даражасига кўтариш масаласини кун тартибига қўйди ва бу борада қизғин иш олиб бормоқдалар.

Чорва комплекслари қуриш авж олдирилмоқда. Экономикаси мустаҳкам колхоз ва совхозлар хозирдаёқ йирик чорва комплекслари қуриб, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаштирди. Маълумки, комплекслар қурилишига анчагина маблағ талаб этилади. Бунга ҳозирча қурби етмайдиган хўжаликларда мавжуд чорва бинолари реконструкция қилиниб, хилма-хил машиналар, механизм ва агрегатлар ўрнатилди. **Шундай қилиб, бугунги кунгача область бўйича сут соғишнинг 90 проценти, чорва молларни суғоришнинг 60 проценти, озуқа тайёрлашнинг 50 проценти, оғилхоналарни тозалашнинг 55 проценти механизациялаштирилди.**

Аввалги ҳолатга қараганда бу катта ютуқ. Лекин келажак истиқбол кўзда тутиладиган бўлса, бу борада ҳали катта ишлар қилмоғимиз керак бўлади. Мақсадимиз шуки, якин йилларда ҳамма колхозлар ва совхозларда йирик чорва комплекслари қурамиз, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналар ғарданига юклаймиз. Бу маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бирга сортни яхшилаш, таннархни арзонлаштириш, рентабелликни оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида таъкидланганидек, комплекслар қурилиб, машиналарнинг ишга туширилиши камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот етиштиришни таъминлайди.

ОБЛАСТЬ чорвадорлари республикамизда биринчилардан бўлиб хўжалик ҳисобида ишлай бошладилар. Шу муносабат билан чорвачилик хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳуқуқ ва бурчлари кенгайтирилди, маҳсулот етиштиришнинг тақдири учун масъулияти кучайтирилди, айни кезда шахсий манфаатдорлиги оширилди. Энг муҳими — чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш бутун жамоатчиликнинг муқаддас бурчига айлантирилди.

Чорвачилик соҳаси ўқимишли, малакали, ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган кадрлар билан мустаҳкамланди, уларга ўз малакаларини оширишларида амалий ёрдам берилмоқда. Ўнинчи синфни битирган қизлар ва йигитлар ихтиёрий равишда чорва комплекслари, сут-товар фермаларига ишга келмоқда. Хуллас, чорвачилик касбини шарафлаш учун юриш бошланди.

Область партия ва совет ташкилотлари амалга оширган бу тадбирлар яхши самаралар берди. 1974 йилда гўшт тайёрлаш 1970 йилдагига нисбатан 126 процент, сут 161 процент, жун 187,3 процент, тухум етиштириш 262,3 процент кўпайтирилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 1.100 килограммдан 1.905 килограммга кўтарилди. Сигирлардан бузоқ олишда айниқса яхши кўрсаткичларга эришилди.

Халқимизда «Бир терига икки чорва моли сиғади» деган мақол бор. Область чорвадорлари кейинги йилларда бу мақолга қаттиқ амал қила бошладилар. Ориқ, тарози босмайдиган қорамоллар, қўйларни гўштга топшириш ман этилди, шунингдек, урғочи чорва молларни гўштга топширишни ҳам таъқиқладик. Бўрдоқичилик ишини яхши йўлга қўйдик, юқори семизликдаги гўшт етиштиришдан чорвадорларнинг манфаатдорлигини ошердик. Натижа чакки бўлмади. 1970 йилда ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 260 килограммга етганда гўштга топширилган бўлса, 1974 йилда гўштга топширилган ҳар бош қорамол ўртача 350 килограмм тош босди, илғор хўжаликларда 400—450 килограммга етказилди. Давлатга семиз қорамол, қўй ва бошқа турдаги чорва моллари топширишдан хўжаликларимиз катта иқтисодий фойда кўрмоқдалар.

ПАРТИЯ Марказий Комитетининг Мурожаатида колхозчи деҳқонлар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик ходимларига шундай дейилади: чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўтарингиз, чорва ва паррандаларни кўпайтирингиз, кўпроқ гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштирингиз, маҳсулотнинг сифати учун курашингиз! Бу сўзлар барча чорвадорлар сингари областимиз чорвадорлари учун ҳам жанговар программадир. Ишни шу асосда ташкил этмоқдамиз.

Яқин кунларда беш жойда йирик чорва комплекси ишга туширилади. 11 хўжаликда шундай комплекслар қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Ундан ташқари барча колхозлар ва совхозлар, давлат хўжаликларида бузоқхонлар, паррандахоналар қурилиши авж олдирилмоқда, сигирхоналар қуришда айниқса катта ишлар қилинмоқда.

Чорва молларини хилма-хил озуқалар билан боқиб, маҳсулдорлигини ошириш диққат марказимизда бўлмоқда. 64 жойда озуқа тайёрланадиган цех қурилиб ишга туширилди. Поп районидаги Ленин номли совхозда 200 гектар майдонда сунъий яйлов барпо этилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети Мурожаат ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь пленуми қарори асосида областимизда чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар белгилади ва уни амалга оширишга киришди. Жумладан, қорамоллар ва қўйлар, йилқилар ва паррандаларнинг наслини яхшилаш, чорва молларнинг ҳамма турини туёқ сони ҳисобига кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, қуёнчилик ва сув паррандаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бош вазифа қилиб қўйилди. Қурилиш ва ободончилик ишлари кучайтирилади.

Ана шу тадбирлар амалга оширилиши билан областимизда чорвачилик кескин ривожланади, маҳсулот етиштириш кўпаяди. **Областимизда яқин йиллар ичида гўшт тайёрлаш 1973 йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўпаяди ёки 22 минг тоннани ташкил этади. Сут тайёрлаш 2,7 баравар кўтарилиб, 107,2 минг тоннага боради. Область паррандабоқарлари 76,1 миллион дона тухум тайёрлайдилар, ёки ўсиш 4 бараварни ташкил этади.**

Чорва моллар туёқ сонини кўпайтириш биринчи ўринга қўйилмоқда. **Яқин йиллар ичида барча хўжаликларда сигирлар сони 27.200 бошдан 40 минг бошга, қўйлар 383 минг бошдан 418 минг бошга, чўчқалар сони 11 минг бошга етказилади.** Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни область бўйича 2.200 килограммдан ошириш кўзда тутилмоқда.

Белгиланган тадбирлар реал бўлиб, уларни амалга ошириш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Лекин чорвачиликни ривожлантиришда айрим камчиликларга йўл қўйилганидан ҳам кўз юма олмаймиз. Сигирларнинг қисир қолиш ҳолларига ҳамон барҳам берилгани йўқ, бу эса туёқ сонининг ўсишига салбий таъсир кўрсатяпти. Олинган ёш бузоқлар яхши парвариш қилинмаганлиги оқибатида бир қисми нобуд бўлди. Область партия ва совет ташкилотлари бундай ачинарли ҳолларнинг рўй бериш сабабларини очиб ташлади ва унинг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўрмоқда.

ОБЛАСТИМИЗ хўжаликларига Россия Федерацияси, Болтиқ бўйи республикалари ва бошқа жойлардан кўплаб наслли чорва моллари келтирилади. Бироқ улар зоотехника қоидалари асосида парвариш қилинмай ёки соғлом ўсишига қулай шароит яратилмай бир қисми нобуд бўлади. Бунга ҳам қаттиқ барҳам бердик.

1975 йил — синов йилидир. Ҳар биримиз пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга кўшган ҳиссамиз билан синовдан ўтамиз. Баҳор яқинлашиб қолди. Кўкламга тайёргарлик ишларимизни қайта-қайта кўздан кечирмоғимиз, кемтик жойларини тўлдирмоғимиз, камчиликларни тугатмоғимиз керак. Биз пахта майдонларимизни ўғитлаб, чуқур шудгорлаб қўйдик. Маҳаллий ўғит тўплашни қизғин давом эттирмоқдамиз. Ариқ-зовурларнинг бир қисми тозаланиб бўлинди. Механизаторларимиз тракторлар ва механизмларни ремонт қилмоқдалар.

1975 йилдаги бутун фаолиятимизни Мурожаат асосида ташкил этамиз, барча тармоқлар бўйича маҳсулот етиштиришда янги ғалабаларга эришамиз.

Чорвачиликда ихтисослаштиришга катта аҳамият бермоқдамиз. Тажриба тариқасида Тўрақўрғон район бўрдоқичилик базаси ҳузурида колхозлардан кооперациялаш йўли билан тўпланган 50 бош ғунажин парвариш қилина бошлади. Бу яхши самара берди ва ҳозир сигирлар сони 400 бошга етказилди. Бу кооперациялашнинг афзаллигидир.

Область партия комитетининг бюроси бу ижобий фактни қараб чиқди ва маъқуллади. Тўрақўрғонликларнинг тажрибаси асосида Янгиқўрғон, Наманган, Чуст ва Уйчи районлари бўрдоқичилик базалари ҳузурида ҳам сигирчиликка ихтисослаштирилган пунктлар ташкил қилинди.

Уйчи районидаги Жданов номли колхозда колхозлараро ихтисослаштирилган чорва комплекси қурилди, унда 1.500 бош ғунажинни парваришлаб сигирга айлантириш кўзда тутилмоқда. Олти гектар майдонни эгаллаган комплексда учта боқув корпуси, озуқа тайёрлаш цехи ишлаб турибди. Бу ерда бузоқлар учун махсус донадор озуқа ва сунъий сут тайёрланади. Ғунажинлар олти ойгача шу ерда боқилади, урчитилгандан кейин хўжаликларга тарқатилади. Комплекс йил — ўн икки ой ишлайди, колхозлардан бузоқларни муттасил қабул қилаверади.

Шуни таъкидлаш керакки, ихтисослаштирилган комплексга ва бўрдоқичилик базалари ҳузуридаги наслчилик пунктларига бузоқлар 10-15 кунлигида танлаб олинади, махсус комиссия кўригидан ўтказилади. Шундан кейин зоотехника қоидалари асосида парваришланади.

Чорвачиликда ихтисослаштириш яхши самаралар бермоқда. Уйчи райони 1974 йилда 300 бош ғунажин сотиб олди. Бу ғунажинлар четдан келтирилгани учун анча қимматга тушди. Маҳаллий шароитга мослашган қўлбола ғунажинларни харид қилиш эса арзонга тушди. Биз келгусида ўз областимиздаги хўжаликлардан наслли сигирларнинг ғунажинларини комплекслар ва пунктларга тўплаб, ихтисослаштириш йўли билан соғин сигирларни кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.

Областимизнинг ҳамма районларида сигир етиштириш фабрикалари қуриш мўлжалланмоқда. Яқин фурсатда Поп, Тўрақўрғон, ва Янгиқўрғон районларида, Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхозида шундай фабрикалар қурилади.

Областимизда пахта етиштиришни кескин кўтайтириш билан бирга чорвачиликни ҳам шаҳдам ривожлантирамиз, меҳнаткашларга ҳар қачонгидан кўп, сорти юқори, таннархи арзон сут, гўшт ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб беришини таъминлаймиз. Бу КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

Х. ТЎЙЧИЕВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Наманган область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

ҚАРШИ

Чўли Бегимқулов номли совхознинг Саломат Ҳақбердиева бошлиқ бригадаси аъзолари 80 гектар пахта майдонини минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаб, чуқур шудгорлаб қўйди. Ҳар гектар ерга ўртача 10 тоннадан органик ўғит солинди. Пахтакорлар ерларнинг четлари, суғориш иншоотларининг қирғоқлари, уваталари ҳам текислаб, экин майдонига қўшмоқдалар.

Бригада аъзолари якунловчи йилда ҳосилдорликни гектар бошига камида 10 центнер кўтаришга аҳд қилдилар. Абдуллахон Майдонов бригадасида ҳам кўклам экиш мавсумига пухта тараддуд кўриб қўйилди.

Б. ЖАББОРОВ.

ҚУШКЎПИР

Ленин номли колхоз 1974 йилда ҳар гектар ердан 45,2 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, катта зафар қучди. Рўзмат Жуманиёзов бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликда пешқадам ўринни эгаллади.

— Юқори ҳосилнинг сири маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланишдадир, — дейди бригада бошлиғи, — шуни ҳисобга олиб, 1975 йилда пахтадан юқори ҳосил олиш мақсадида ҳар гектар ерга 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит солишни лозим топдик. Ҳар куни далага 35-40 тонна маҳаллий ўғит чиқармоқдамиз. Тележкачи ва шофёрларга кунлик норма белгиланган. Колхозимизнинг бошқа пахтачилик бригадаларида ҳам маҳаллий ўғит жамғариш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Бу, 1975 йилда гектаридан 55 центнердан «оқ олтин» кўтариш имконини беради.

О. АШУРОВ.

ЛЕНИНОБОД

«Ленинград» совхоз пахтакорлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу эса ҳосилдорликни кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда, 1975 йил ҳосилига тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. «Ленинизм» бўлими пахтакорлари 900 гектар майдоннинг шўрини ювиб бўлдилар. Намни тўла сақлаб қолиш мақсадида пахтазорларга чиритилган гўнг солинмоқда.

Қ. ДУСБОЕВ.

ДЎСТЛИК

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг Ўрол Холиқов бошлиқ бригадаси аъзолари бир йилда ҳосилдорликни гектар бошига 17 центнер кўтардилар. Пахтанинг асосий қисми машиналарда териб олинди.

— 1975 йилда янада улкан марраларни кўзлаб иш тутмоқдамиз, — дейди бригада бошлиғи, — ерларимизни шудгорлаб, ўғитлаб қўйдик, тўйдириб яхоб суви бердик. Ҳар гектар майдонга тупроқ тузилишига қараб 500—600 килограммдан минерал ўғит солдик. Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичида ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказамиз ва чўлқуварлик номини шарафлаймиз.

Т. СОЙНАЗАРОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ХРУСТАЛ ЗАВОДИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ

ПРАГА. Чехословакиянинг Сазаве дарёси бўйидаги кичкинагина Светла шаҳрида нафис шиша заводи қуриб битказилди. Завод Чехословакия шиша саноатининг энг катта ва энг замонавий корхонасидир. У ҳар йили 130 миллион крон ҳажмида маҳсулот тайёрлаб беради.

Ўзининг хрустал ва нафис шишадан ясалган буюмлари билан бутун дунёга донг таратган Чехословакияда янги шиша заводининг қуриб битказилиши янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилганлигини билдиргинга қолмайди. Унинг маҳсулоти «мозер» ёки «богемия» деган маркаларнинг донгини сақлаб қолмоғи учун кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш технологиясини ҳар томонлама ишлаб чиқиш, ҳом ашё билан таъминлаш каби кўпдан-кўп вазифаларни ҳал этишга тўғри келади.

Светладаги завод қурилиши — мана шу ҳамма масалалар комплекс равишда ҳал этилганлигига бир мисолдир: заводнинг дастлабки цехлари ишга туширилиши билан бир маҳалда бу ерда очилган ҳунар-техника мактаби биринчи группа шогирдларни тайёрлаб берди; бошқа шиша заводларидан келган тажрибали инженерлар ва техниклар машина-ускуналарни ростлашда ва технология процессини ташкил этишда ёрдам бердилар; геологлар заводни асосий хом ашё билан таъминлаш учун ҳеч бир чет аралашмаси бўлмаган соф кумли бир неча карьерни топиб, фойдаланишга топширдилар.

Светладаги завод чех шиша буюмлари донгини яна ошириб, асосан экспорт буюртмаларини бажариш билан шуғулланади. Совет Иттифоқи завод маҳсулотининг кўпини харид қилувчи мамлакатлардан бири бўлади.

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

ГАВАНА. Халқ хокимиятининг 16 йили мобайнида Куба соғлиқни сақлаш системасида рўй берган ўзгаришлар жуда катта. Революция ғалаба қозониши билан ок Куба Компартияси ва ҳукумати меҳнаткашлар сиҳат-саломатлигини сақлашни ўз назоратига олди. Озодлик оролида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш системаси ислоҳ қилинди.

Мамлакатда халқ хокимияти ўрнатилганидан кейин барпо этилган соғлиқни сақлаш министрлиги бутун мамлакатда касалхоналар, поликлиникалар қуришни авж олдириб юборди. Миллий врач кадрлар, шунингдек медицина ходимларини тайёрлашга катта эътибор берилди.

Бир қанча йиллар мобайнида Кубада турли касалликларга қарши оммавий эмлаш кампаниялари, шунингдек меда-ичак касалликлари ва бошқа касалликларнинг олдини олиш профилактика тадбирлари ўтказилди.

Болаларнинг сиҳат-саломатлигини сақлашга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда Кубада болаларнинг нобуд бўлиши Латин Америкасида энг оз даражададир. Туғруқхоналар, болалар касалхоналари, поликлиникалари кўпайтирилган.

(ТАСС).

ҚЎШМА МАЖЛИС

БАЙРУТ, 9 январь. (ТАСС). Бу ерда парламент ташқи ишлар ва мудофаа масалалари билан шуғулланувчи комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида парламент раиси К. Ал Асад, бош министр Р. Солҳ, ташқи ишлар министри Ф. Такла, мудофаа министри Ж. Скаф иштирок этдилар.

НИА агентлигининг хабар беришича, мажлисда Исроилнинг қуролли ишғолчилиги давом этаётганлиги муносабати билан Ливаннинг жанубидаги аҳволга ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинган.

ҲИНДИСТОН ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ТАЙЁРЛИГИНИ БИЛДИРДИ

ДЕҲЛИ, 9 январь. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Я. Б. Чаван Покистон мудофаа министри ва ташқи ишлар министрига мактуб йўллади. Ушбу мактубда яқинда Покистоннинг шарқи-шимолий тоғли районида бўлиб ўтган кучли зилзиладан зарар кўрган аҳолига 250 минг рупия миқдорида моддий ёрдам кўрсатишга Ҳиндистоннинг тайёр эканлиги билдирилади. Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги вакилининг бу ерда айтишича, Покистон ҳукуматининг жавоби олинмаган бўлса ҳам, дарҳол Покистонга ёрдам берилади.

Х. БУРГИБА БАЁНОТИ

ТУНИС. (ТАСС). Тунис республикасининг президенти Ҳ. Бургиба бу ерда сўзга чиқиб, Яқин Шарқда вазият кескинлашгани муносабати билан ғоят ташвишланганлигини билдирди. Тель-Авивнинг Фаластиндаги араб халқи қонуний ҳуқуқларини эътироф этишни жон-жаҳди билан истамаётганлиги, Исроил ҳарбийларининг ҳар куни давом этаётган агрессив ҳаракатлари ва эўрлик билан босиб олинган араб ерларининг ҳамон оккупация қилиб турганлиги тинчлик йўлидаги тўсиқ бўлмоқда, деди у.

Ҳ. Бургиба «Исроил араб мамлакатларига қарши бошлашга уринаётган янги уруш Яқин Шарқ учунгина эмас, балки бутун дунё учун энг жиддий оқибатларга сабаб бўлади», деб таъкидлади.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НИКОЗИЯ. (ТАСС мухбири). Кипр вакиллар палатасининг вакили Г. Клиридис ва ороллдаги турк жамоасининг раҳбари Р. Денкташ бўлиб ўтган учрашувда Кипр масаласи хусусида музокаралар бошлаш тўғрисида келишиб олдилар.

БМТ вакили тарқатган ахборотда айтиладики, Г. Клиридис билан Р. Денкташ «федерал давлатда марказий ҳукуматнинг ваколатлари ҳамда бурчлари»ни муҳокама қилишга киришдилар.

Ахборотда, шунингдек Г. Клиридис билан Р. Денкташ 1974 йилги воқеаларнинг ҳар иккала жамоа аҳолисининг тақдири учун келиб чиқадиган оқибатларга доир масалалар хусусида музокараларни давом эттиришга қарор қилдилар, дейилади.

Кипрнинг сиёсий ва жамоат доиралари тинч яшаши керак бўлган ва тинч яшай оладиган ҳар иккала жамоа ўртасидаги муносабатларда кескин бурилиш ясаш лозимлиги тўғрисида ишонч билдиришди. Бунинг учун, жумладан, орқаворатдан бўлаётган найранглар тўхтатилиши, ҳамда НАТОнинг тор доирасида Кипр масаласини ҳал этишга уринишга хотима берилиши лозим.

Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари Э. Папаиоанну ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Биз қатъий аминимизки, ажнабий қўшинлар мамлакатимиздан чиқиб кетгач, мухожирлар ўз уйларига қайтиб келганидан кейин Кипр давлатининг конституцион структураси тўғрисида музокаралар бошланади, бутун Кипр халқининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган тарзда қарор қабул қилинади.

А. БОГОМАЗ.

Я. АРАФАТ БИЛАН СУҲБАТ

БАЙРУТ, 9 январь. (ТАСС). Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Ясир Арафат Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари томонидан Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатига кўрсатилаётган ёрдамга юксак баҳо берди.

Я. Арафат Байрутда чиқадиган ҳафталик «Ал Балаг» газетаси мухбири билан суҳбатда социалистик мамлакатлар фаластинлик араб халқининг ўз қонуний миллий ҳуқуқлари учун олиб бораётган адолатли курашини ҳамиша қўллаб-қувватлаётганлигини уқтириб ўтди. У Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати билан социалистик мамлакатлар ўртасида муносабатларни ривожланиши ва мустаҳкамланиши Фаластин халқининг манфаатларига мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Я. Арафат айтдики, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг, шунингдек араб давлатларидаги прогрессив ватанпарвар кучларни бирлаштирган Фаластин революциясига кўмаклашувчи араб фронтининг мадади туфайли Фаластин озодлик ташкилоти арабларарО, шунингдек халқаро майдонда ўтган йили катта муваффақиятларга эриша олди.

ХОРИЖОНЛАР ҚАБИЛАСИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

ДЕҲЛИ, 9 январь. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати ҳинд аҳолисининг иқтисодий ва социал жиҳатдан энг қолоқ табақалари — хорижонларнинг турмуш шароитларини яхшилаш проблемасига катта эътибор бермоқда. Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги ва ирригация министри Жагживан Рам хорижонлар проблемасига бағишлаб бу ерда ўтказилган конференцияда гапириб, хорижонлар жамиятимизнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолмоқликлари керак, деди. Министр Андхра-Прадеш штатининг ўзидагина кейинги вақтларда атайлаб хорижонлар учун 65 мингга якин, Тамилнад штатида эса, 10 мингта шундай уй қурилганлигини таъкидлади. Бихар, Орисса штатларида ҳам хорижонларнинг уй-жой шароитлари яхшиланиб бормоқда. Орадан бирмунча вақт ўтгач хорижонлар ҳам барча ҳақ-ҳуқуқларга эга бўладилар ва мамлакат конституциясига мувофиқ Ҳиндистон жамиятининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қоладилар.

САНЪАТДА КАМОЛ ТОПГАНЛАР

ҚЎШИҚ ҚАНОТИДА

Шундай қўшиқчилар бўладики, биз уларни тинглаганда гоҳ билиб, гоҳида билмай — таниш овоз, ёқимли овоз дейміз. Ижрочининг овози қаерда таралмасин — саҳнадами, дала шийпонларқ-ю кенг давралардами, қолаверса радио ва «зангори экран»дами гўё сеҳрланамиз. Унга жўр бўлгандай оҳиста тебраниб. дил куйлаётгандай бўлади. Ором оламиз...

Бу хонаданинг эл оғзига тушиши, танилиши, мухлислари давраси кенгайиб, тобора севилишидан. Наздимизда Ҳабиба ҳам номи эҳтиром билан тилга олинадиган санъаткорлардан. У ўз иқболини санъатда кўрганлардан. Овозига илк марта қулоқ тутганлар мактабдошлари бўлган. Олтинчи синф ўқувчисининг қўшиқлари олқишларга бурканиб турди. Қизчанинг ҳаваскорлик чиқишларидан бирида «Шаҳлоларинг»ни маҳоратли айтиши санъат ғунчалари излаб шу залда ўтирган таниқли бастакор Ғуломжон Рўзибоевнинг диққатини тортди. Хабиба устоз кўрди. Истеъдоди тобора куртак ёзаётган Охунова тўгараклар торлик қилиб қолди. Етуклик аттестати олган чоғида эса номи ўзи улғайган Ленинск шаҳридагина эмас. Андижон областида маълум эди.

Ҳабибанинг овози энди Охунбобоев номли область музикали драма театри саҳнасида жаранглай бошлади. Майин овоз мухлисларни чорлади. Кечаги қўшиқчини томошабинлар Жамила («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»), Кумуш («Зарафшон қизи»), Каромат («Тошболта ошиқ») сингари ўнга яқин қиёфада кўришди. Ў қўшиқ сўзи орқали севгисига садоқатли машуқа образини гавдалантира билди. Қаҳрамонининг муҳаббатини қўшиқларда мадҳ эта олди. Энг муҳими катта даргоҳ, катта коллективда истеъдодининг қирралари ёрқинлаша борди. Республикамиз етакчи санъаткорларидан СССР халқ артисти Аббос Бакиров, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Каримжон Мансуров, Муҳиддин Мансуров, республикада хизмат кўрсатган артист Онахон Тожибоеваларнинг ибратли маслаҳатларидан баҳраманд бўлди. Ўрганди ва изланди.

Мана қарийб 13 йилдирки Ҳабиба ёш кобилиятли саҳна устаси, моҳир қўшиқчи сифатида Наманган область музикали драма театри саҳнасидан ўрин олиб турибди. Унинг хонишлари қалбларга сурур ва завқ бахш этиб, қанот қоқмоқда. Ҳабиба бугунги кунда чуқур драматизм билан суғорилган етук образларни яратмоқдаки, бу фақат таҳсинга лойиқ. Эркинликка, озодликка интилиб чимматни улоқтирган Нурхон, соф муҳаббат ва садоқатли севгининг ёрқин тимсоли Зуҳра, қолаверса ҳар қандай зулмга қарамай Мажнунини деган Лайли, жафокаш Ҳалима образлари санъаткор талқинида ўзига хос гавдаланмоқда. Охунова классик спектакларда ҳам ўз кучини синаб кўрди. Шиллернинг «Қароқчилар»ида Амалия ролини маҳоратли ўйнаши кўпчиликни мамнун этди.

— Ҳабиба ижросидаги ролларда ўзига хослик, санъаткорлар ва мухлислар аҳлига манзур тушаётган бирдан-бир нарса, — дейди театрнинг бош режиссёри Карим Йўлдошов.— У ўзига талабчан артист, образларни талқин этаётганда ёшликда балет-рақс билан шуғулланганги яхши наф беряпти. Мақсадни тез тушунади ва ўзини эркин ҳис этиб, образга киради. Образни гавдалантиришда сиртқи ечимга эмас, балки қаҳрамоннинг ички дунёсига кўпроқ эътибор беради.

Охунова саҳна қўшиқлари қатори ажойиб хонанда сифатида концерт репертуарини бойитиб бормоқда. «Алла» қўшиғини кимлар айтмагану, кимлар тингламаган. Лекин бу қўшиқ Ҳабиба ижросида ўзгача жаранглади. Унинг «Алла»сини мухлислар фарқлайдиган ва эътибор билан тинглайдиган бўлишди. Ҳабиба қўшиқларни гоҳ шўх-ўйноқи, гоҳ босиқлик билан айтиб, тингловчи қалбига йўл топа олади. Қўшиқ шайдоси «Кўрмайин босдим тиканни» ёки «Она юртим»ни тинглаганда баланд ва жарангдор пардалардан олис-олислардан ҳам Ҳабиба ижро этганлигини пайқай олади.

Эндиликда таниқли бўлиб қолган Ҳабиба Охунованинг меҳнатлари республика партия-ҳукумати томонидан юксак қадрланди. Унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилди. Қувончли воқеа муносабати билан Ҳабибанинг фикрини олдик.

— Қувончларимни қандай баён этишга сўз тополмайман, — дейди санъаткор. — Менга юксак унвон берилгани ҳақидаги хабарни эшитганимда, ишончни оқлаш учун ҳали кўп меҳнат қилишим кераклигини ўйладим. Энг муҳими санъаткорлар меҳнатини қадрлаб, ўз қобилият ва истеъдодини юзага чиқариши учун шарт-шароитларни яратиб бераётган ҳукуматимиздан беҳад миннатдорман.

Ҳабиба қўлга киритган ютуқлари билан кифояланмайди. У ўз устида мустақил ишлашга ўрганган. Шу кунгача билганларини Тошкентдаги театр-рассомчилик институтида сиртдан ўқиш билан назарий мустаҳкамламоқда. Ўзи ҳам устозлик қилмоқда. Ҳозир Ҳабиба «Навоий Астрабодда» спектаклида Гулруҳ, «Гамлет»да Офелия образлари устида ишламоқда.

Олам аро юртларнинг энг аълоси,
Она юртим ҳуснингни мен шайдоси,
Бахтиёрман муҳаббатинг қозонсам,
Шудир бахтим, шудир қалбим муддаоси.

Ҳа, Ҳабиба Охунова санъатда бахт топганлардан.

У тинч меҳнат, Ватан ва партия ҳақида қўйлаш билан завқланади. Хабиба қўшиқларини ҳар қанча эъзозласа арзийдиган санъаткор. Ижросидаги қўшиқлар магнитофон ленталарида тўпланиб, грампластинкаларда тез ишлатирмай мухлислар томонидан сақланаётгани ҳам шундан.

Ҳ. НОСИРОВ,
О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Тошкент политехника институти республика халқ хўжалиги учун турли ихтисосликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаб етиштирмоқда. Суратда: архитектура факультетининг рассомлик ва ҳайкалтарошлик кафедраси мудири С. Муҳамедов 4-курс студентлари билан машғулот ўтказмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

КУЛОЛ ДОВРУҒИ

Раҳимберди ота Мохжонов хоразмлик машҳур кулоллар сулоласидан. Замонасида бобоси — кулолни қўли «тупроққа жон киритади» дейишаркан. Раҳимберди ота эллик йилдан буён шу касба. Олтмиш бешга кирган бўлса ҳам уста устахонасини тарк этмайди.

Отанинг қалб кўри ва кўз нуридан сайқал топган сопол идишлар, совғабоп буюмлар, сержило кошинлар Москва, Ленинград, Тошкент. Қўқонда ўтказилган амалий санъат музейларида ўрин олган. халқ усталари ижодига бағишланган кўргазмаларда юксак баҳоланган.

Уста кулол 1970 йилда СССР Рассомлар союзи аъзолигига қабул қилинди. У ҳозирги кунда ҳам Урганч шаҳар бадиий фонди устахонасида ишлашни давом эттирмоқда. У кулоллик касбини ёшларга қунт ва эҳтирос билан ўргатаётир. Исмоил Болтаев, Ибодулла Ҳусанов каби ўнлаб шогирдлари моҳир уста бўлиб етишди.

Яқинда Раҳимберди ота амалий санъат соҳасидаги жўшқин фаолияти ва кўргазмаларда актив қатнашганлиги учун СССР Рассомлар союзи правлениесининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АХБОРОТ

ШАҲРИСАБЗ

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Шаҳарнинг кенжа корхоналаридан бири—сут-пишлоқ завоцида сут-қатик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи қурилиши қизғин бормоқда. Бу заводдаги олтинчи цехдир. Унда сут ва қатик маҳсулотлари қолдиқларидан район хўжаликларидаги чорвачилик фермалари учун маҳсулот — суткасига бир тоннага яқин бузоқбоп озуқа ишлаб чиқарилади.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ОРОМГОҲИ

Сўлим Мироқи қишлоғи бағрида Қарши чўлқуварлари учун дам олиш уйи қуриб битказилди. «Каршистройга қарашли механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бу ерда 3 миллион 340 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бир йўла 400 дан ортиқ чўлқувар дам оладиган оромгох 40 гектардан зиёд боғ-роғлар қучоғида жойлашган. Дам олиш уйининг тез ва соз битказилишида колоннанинг Бердимурод Улуғмуродов, Ҳазратқул Хидиров, Чори Исмоилов, Ғофур Кенжаалиев бошлиқ комплекс меҳнат бригадалари аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар.

МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ

Шаҳардаги маҳаллий саноат комбинатининг мебель фабрикаси ўзининг дастлабки маҳсулотларини реализация қила бошлади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури 16 тага етказилади. Айни кунларда фабрикада тумбочкали столлар, шкафлар, ҳар хил скамейкалар, ўқувчилар столи ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Фабрика цехларида ёғочни қайта ишловчи замонавий станоклар кўпаймоқда.

Б. НОМОЗОВ.

ФУТБОЛ

ЯНГИ МАВСУМ АРАФАСИДА

◆ ОЛИМПИАДА ВА ЕВРОПА БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИНИ КЎЗЛАБ.

◆ ҚЎШ ТЕРМА КОМАНДА.

◆ ТОШКЕНТЛИК ПАХТАКОРЧИ ВЛАДИМИР ФЕДОРОВ — МАМЛАКАТ ТЕРМА КОМАНДАСИ НОМЗОДИ.

1975 йилги футбол мавсумида халқаро учрашувлар кўп бўлади. Терма командаларимиз Европа биринчилигида ва 1976 йил олимпия турнирининг саралаш мусобақаларида қатнашишлари лозим.

СССР спорт комитетининг футбол бошқармаси ва СССР футбол федерациясининг таклифига биноан мамлакатнинг иккита терма командасини тузишга қарор қилинди. Терма командалар ўтган йил чемпионатида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган «Динамо» (Киев) ва «Спартак» (Москва) командалари асосида тузилади.

Европа биринчилигининг саралаш ўйинларида қатнашадиган терма команданинг бош тренери қилиб «Динамо» (Киев) командасининг катта тренери В. Лобановский, команда бошлиғи қилиб О. Базилевич, тренер қилиб Ю. Морозов тасдикланди. Олимпия турнирининг саралаш ўйинларида қатнашадиган терма команданинг катта тренери қилиб К. Бесков, команда бошлиғи қилиб Н. Старостин, тренер қилиб Н. Гуляев тасдикланди.

Европа биринчилигининг саралаш ўйинларида қатнашадиган СССР терма командасига Е. Рудаков, В. Пильгуй, М. Вергиенко, В. Трошкин, А. Дамин, В. Зуев, М. Фоменко, С. Решко, В. Голубев, В. Звягинцев, В. Матвиенко, С. Никулин, С. Кузнецов. В. Мунтян, В. Веремеев, В. Кузнецов, Л. Буряк, Ю. Ажем. В. Колотов, А. Коньков, В. Онишченко, В. Федоров. А. Шепель, О. Блохин, П. Слободян, В. Шевченко, В. Казаченок ва В. Никонов номзод қилиб олиндилар.

Олимпия турнирининг саралаш ўйинларида қатнашиши лозим бўлган СССР терма командасига А. Прохоров, Ю. Дарвин, А. Елизаров, А. Давидов, В. Букиевский, Н. Осянин, В. Швецов, С. Ольшанский, Н. Худиев, Г. Логофет, Е. Ловчев, Н. Високих, А. Минаев, Н. Киселев, Ю. Васенин, В. Гладилин, А. Максименков, В. Папаев, М. Мачаидзе, М. Булгаков, Ю. Чесноков, А. Ионкин, А. Пискарев, В. Павленко. Ю. Пилипко ва В. Андреевлар номзод қилиб олинди. (ТАСС).

БЕРДАХ МУКОФОТИ— БОЛАЛАР ЁЗУВЧИСИГА

Адабиёт ва санъат соҳасида 1974 йил учун Бердах номли республика мукофоти қорақалпоғистонлик болаларнинг севикли шоири Холмурод Сафаровга берилди. У «Ремез», «Бахтли болалик», «Саман тойчоқ», «Ойга боқаман» деган шеърий тўпламлари учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Ҳозир ёшларнинг «Жас ленинши» газетасида ишлаётган Холмурод Сафаров жажжи ўқувчилар учун шеърлар ва поэмалар ёза бошлаганига йигирма йилдан зиёдроқ бўлди. Унинг шеърларини қорақалпоқ болаларигина севиб ўқиб қолганлари йўқ.

«Саман тойчоқ» рус болаларига ҳам манзур тушди. Бу китоб ЮНЕСКО томонидан Мюнхенда ташкил этилган болалар адабиёти кўргазмасида ҳам намойиш қилинди.

Холмурод Сафаровнинг шеърлари асосида москвалик композитор Л. Маковская қўшиқлар ёзди. Бу қўшиқлар болаларнинг марказий журналларида босиб чиқарилди ва Бутииттифоқ радиоси орқали эшиттирилди.

1974 йил учун Бердах мукофотлари композитор Абдураим Султоновга, ҳайкалтарош — ёғоч ўймакори Дарибой Турениёзовга ҳам берилди.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Госстрах

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТОМОНИДАН 1940 ЙИЛ 4 АПРЕЛДА МАЖБУРИЙ СТРАХОВАНИЕ ТЎҒРИСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНГА АСОСАН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ

1975 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ГРАЖДАНЛАР ХЎЖАЛИГИДАГИ МАЖБУРИЙ СТРАХОВАНИЕ ТЎЛОВЛАРИНИ

ҲИСОБЛАШГА КИРИШДИЛАР

РУЙХАТГА ГРАЖДАНЛАРГА ҚАРАШЛИ ҚУЙИДАГИ ХУСУСИЙ МОЛ-МУЛКЛАР ҲИСОБИГА ОЛИНАДИ:

Доимий жойга қўйилган, деворлари кўтарилиб, томи ёпилган иморатлар, йирик қорамоллар 6 ойликдан бошлаб, отлар бир ёшдан 18 ёшгача, қўйлар, эчкилар, туялар, ҳачир ва эшаклар 1 ёшдан бошлаб, чўчқалар эса 9 ойликдан бошлаб ҳисобга олинадилар.

Мажбурий страхование тўловлари, давлат страхование инспекциялари томонидан ҳисобланади ва тўланиши лозим бўлган сумма кўрсатилган страхование гувоҳномаси тўловчиларга топширилади. Тўловчилар эса ушбу гувоҳномада кўрсатилган тўловларни Госстрах инспекциясининг счетига тўлашга мажбурдирлар.

ТЎЛОВЛАРНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ 1 МАЙГАЧА ВА ҚОЛГАН 50 ПРОЦЕНТИ 1 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ТЎЛАНИШИ ШАРТ.

СТРАХОВАНИЕ ТЎЛОВЛАРИ ҚУЙИДА КЎРСАТИЛГАН ЖОЙЛАРГА ТЎЛАНАДИ:

қишлоқларда — меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советларига;

Гражданлар ўзлари яшаб турган райондаги СССР Давлат банкининг кирим омонат кассаларига, Госстрах инспекторлари ва агентликларига ҳамда почта орқали Госстрах счетига ўтказишлари мумкин.

КУРСАТИЛГАН МУДДАТЛАРДА ТЎЛАНМАГАН СТРАХОВАНИЕ ТЎЛОВЛАРИ УЧУН ҲАР БИР ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛГАН КУНГА 0,1 ПРОЦЕНТ ҲИСОБИДА ПЕНЯ ҚУШИБ УНДИРИЛАДИ.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР! Мажбурий страхование тўловларини муддатидан олдинроқ тўлангиз, ҳамда тўлов муддатларини ўтказиб юбориб боқиманда содир бўлишга йўл қўймангиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.40 — ТОШКЕНТ. 17.45 — **Маугли** (мультфильм). 18.05 — — Балет-эртак. 18.35 — **«Ахборот»**. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.20 — Шифокор минбари. 19.50 — Концерт. 20.55 — **«Ахборот»**. 21.15 — МОСКВА. 22.15 — **«Вақт»**. 22.45 — Бадиий фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. 17.40 — МОСКВА. **Хайвонот оламида.** 18.40 — **Зумрад шаҳар сеҳргари** (10-серия). 19.00 Янгиликлар. 19.15 — Спортлото. 19.30 — «Голубой огонек» 21.15— Цирк томошалари. 22.15 — Ҳужжатли кино экрани. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.40 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

КИНО

Янги центрионлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Еғлиқ иш — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (12.00, 18.00), «МОСКВА» (19.30, 21.30), «ДРУЖБА» (12.00, 16.00, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Севишганлар қиссаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Есения — «ЧАЙКА» (16.00, 18.30, 21.00).

Машаққатли севги — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Экран юлдузи — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «МОСКВА» (10.00, 12.00, 16.00).

Киш ва икки портфель — «НУКУС» (10.00).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/I да **Чио-чио-сан**, 12/I да **Оққуш кўли** (12.00), **Кармен** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/I да **Олтин девор**, 12/I да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/I да **Кулги кечаси**, 12/I да **Нурхон**, 13/I да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/I да **Ойдин** (15.00), 12/I да **Нон, қон, инсон** (16.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Цирнда арча, «СЕҲРЛИ ҚУЛ» ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ** (15.00).

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ванант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: фалсафа (фан доктори, профессор);

кафедра доценти: фалсафа;

кафедра катта ўқитувчилари: фалсафа, КПСС тарихи, қишлоқ хўжалик иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби ва молия, қишлоқ хўжалигини ташкил этиш;

кафедра ўқитувчилари: чет тиллари, жисмоний тарбия.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент область, Ораҳоникидзе район, «Институт» алоқа бўлими.

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси — ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

13 ЯНВАРЬ—ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.05— ТОШКЕНТ. 17.10 — Қўғирчоқ фильм. 17.50 — «Нишондорлар». 18.10 — **«Ахборот»**. 18.25 — Оламда нима гап? 18.45 — Концерт. 19.25 — **«Ахборот»**. 19.45 — Беш йиллик — муддатидан илгари! (Москва). 20.30 — **Улуғбек хазинаси** (телеспектаклнинг 2-қисми). 21.30 — **«Вақт»**. 22.00 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 10.05 — Гимнастика. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — Мультфильмлар. 11.00 — **Ҳайвонот оламида.** 12.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.45 — ТОШКЕНТ. 20.30 — Музикали кўрсатув. 21.30 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — **Учинчи қадам** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

14 ЯНВАРЬ—СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 10.05 — Гимнастика. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — **Охири йўқ кўча** (бадиий фильм). 11.55 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Ёш табиатшунослар. 19.10 — **«Ахборот»**. 19.25 — Мусобақа, тажриба, ташаббус. 19.45 — Музикали кўрсатув. 20.30 — **«Ахборот»**. 20.50 — Ўзбек киноси усталари. С. Муҳамедов. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Телеспектакль. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.20 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — «Жассат». 19.55 — Концерт. 20.25 — Бизлар БАМни қурмоқдамиз. 20.55 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Телефильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.00 — Эстрада концерти. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Фильм-спектакль.

15 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.05 — **«Ахборот»**. 19.20 — Ёшлар ижоди. 20.00 — Миллионлар ленинча университети. 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — Беш йиллиқнинг якунловчи йили. 20.55 — **«Ахборот»**. 21.15 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Ака-укалар** (телеспектакль). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — **Чет эллик қиз** (бадиий фильм). 12.40 — Мультфильм. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.55 — Фильм-концерт. 20.25 — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Г. Афанасьев телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.55 — Кузги момақалдироқ (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Театр ҳақида ҳикоялар. 23.45 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.00 — Тошкентликлар жавоби. 20.30 — Ўқув кўрсатуви. 21.10 — Тошкент янгиликлари. 21.25 — **Богдан Хмельницкий** (бадиий фильм).

16 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.20 Кинофильм. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.15 — **«Ахборот»**. 19.30 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.00 — Туямўйин гидроузели — заҳбдор қурилиш. 20.30 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — **«Ахборот»**. 21.00 — Ёш бастакорлар. Д. Сайдаминова, Н. Зокиров. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Ватангадолар** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — , Телефильм. 12.15 — **Андрейка** (бадиий фильм). 18.10 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30 — Врач маслаҳати (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.55 — **Кузги момақалдироқ** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — «Азимут» (Тошкент). 22.30 — Ёш овозлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Концерт. 20.00 — **Шафқатсиз тун** (бадиий фильм). 21.20 — Тошкент янгиликлари. 21.35 — Математика оламига саёҳат. 22.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади.

17 ЯНВАРЬ — ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — «Мардлик-мангулик». 18.45 — **«Ахборот»**. 19.10 — Балл рақслари кечаси. 19.45 — **Бизнес оламида** (Москва). 20.25 — «Ўзбекистон» тележурнали. 20.35 — Нўз-неъмат бунёдкори. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.25 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Ватангадолар** (бадиий фильмнинг 2-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.45 — Санъат музейидан репортаж (Тошкент). 20.25 — Цирк томошалари. 21.00 — **Телеминиатюралар.** 22.00 — «Фан» программаси (Тошкент). 22.30 — Концерт. 23.50 — Қўл тўпи бўйича СССР чемпионати. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Телефильм. 19.55 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.25 — Ўқув кўрсатуви. 20.55 — Тошкент янгиликлари. 21.10— Бадиий фильм.

18 ЯНВАРЬ — ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 16.00 — ТОШКЕНТ. 16.05 Қувноқ стартлар. 17.00 — **Хоккей:** ЦСКА — «Спартак» (Москва). 19.15 — Концерт. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Бир актёр театри. 20.25 — **«Ахборот»**. 20.45 — Мусиқа жавони. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **«Олтин водий»**. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. 10.05 — Янгиликлар. 10.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 10.50 — **Экран хандаси.** 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 16.00 — МОСКВА. 17.05 — ТОШКЕНТ. 17.35 — Киноэкран янгиликлари. 18.00 — Бадиий фильм. 19.15 — МОСКВА. 19.30 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.30 — «1974 йил қўшиқлари». 22.00 — Физкультура ва спорт (Тошкент). 22.30 — «1974 йил қўшиқлари» концертининг давоми. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.15 — ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

19 ЯНВАРЬ — ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 15.00 — **Мени кутгил** (бадиий фильм). 16.30 — Халқаро панорама. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 17.35 — **Хоккей:** «Винокор» —«Строитель». 19.15 — **«Ахборот»**. 19.30 — **Экран хандаси.** 20.10— Дала ишлари кундалиги. 20.25 — **«Ахборот»**. 20.45 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. 10.05 — Янгиликлар. 10.15 — Мультфильм. 10.25 — Бадиий фильм. 11.30 — Ўқув кўрсатувлари. 17.00 — МОСКВА. 18.30 Мультфильмлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.15 — Мода ҳақида ўйлар. 20.25 — Телеспектакль. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Балет ҳақида. 23.45 — Янгиликлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР — Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 02131. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 9.